

4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ  
ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

---

---

Қўлёзма ҳуқуқида  
ББК: 65.261 (5у) + 65.262 (5у)

**АБДУҒАНИЕВ БАХРОМЖОН АБДУЛАТИФОВИЧ**

**Молиявий манбалар ва банк кредитларининг  
самарадорлиги муаммолари**

(Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик корхоналари мисолида)

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»  
ихтисослиги**

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**ТОШКЕНТ – 2003**

Б.х. №	01/312
«01» 12	2003г.

336.5(043.3)

A-15

Диссертация Тошкент молия институтининг «Банк иши»  
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: Иқтисод фанлари доктори, профессор  
Қодиров А.Қ.

Расмий оппонентлар: Иқтисод фанлари доктори, профессор  
Олимжонов О.О.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Жўраева К.Ҳ.

Етақчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация 2003 й. «25» декабр соат «14<sup>30</sup>» да  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият  
қурилиши академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий  
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02  
рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг  
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2003 йил «19» ноябр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди,  
доцент

 Абулқосимов Х.П.

## 1. Ишнинг умумий тавсифи

**Кириш.** «... барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятни барпо этиш...»<sup>1</sup> мақсадида республикада давлат устуворлигида туб иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Улар даставвал ишлаб чиқариш соҳаларини устувор суръатда ривожлантиришга йўналтирилган. Натижада 1999 – 2002 йилларда республикада ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 3,5 – 4,5 фоизни ташкил этди. Унда қишлоқ хўжалик тармоғининг салмоғи улкан. Бу соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 26 фоизига яқини яратилмоқда. Жами валюта тузгумининг эса 57 фоиздан ортиғи шу соҳага тўғри келмоқда. Бу соҳанинг салмоғи ва равнақи янада юқори бўлиши мумкин. Бунинг учун барча хўжалик субъектларининг молиявий маблағларга, жумладан, банк кредитларига бўлган талаблари ўз вақтида қондирилиб турилиши керак эди. Бироқ доимо ҳам бу муаммо ижобий ҳал қилинмади. Шунинг билан биргаликда, республикада эркин бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида кўзда тутилмаган айрим муаммолар пайдо бўлмоқда. Чунончи, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган саноат маҳсулотларини эркин сотиш баҳоларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эркин сотиш баҳоларига нисбатан юқори суръатларда ўсиши тармоқ корхоналари харажатларининг кескин ошишига олиб келмоқда. Буни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини 1997 – 2002 йилларда 2,8 марта ортганлиги ҳам исботлайди. Натижада қишлоқ хўжалигида яратилган фойданинг сезиларли қисми саноат корхоналари ихтиёрига ўтиши юз бермоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналари сотган маҳсулотлари учун пул маблағларини муддатида тўлиқ ололмаётганлиги оқибатида уларнинг дебиторлик қарзларини ўсиши кузатилмоқда. Хўжаликлар фойдасининг камлиги, рентабеллик даражасининг пастлиги сабабли акциядорлик-тижорат ва хусусий банклар уларга доимий ва айланма маблағларнинг такрор ишлаб чиқаришини таъминлашга йўналтирилган кредит ресурсларини кам ажратмоқдалар. Бунга тижорат банкларнинг кредит фоиз ставкасини юқорилиги ва кафолатлаш шартларининг ривожланмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида республика қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини кредит билан таъминловчи нотижорат, нодавлат молия-кредит институтлари тизими старли даражада ривожланмаган, ўтиш даврининг ҳозирги босқичида бу муаммоларга бағишланган илмий, услубий тадқиқотлар доираси чекланган.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йулида. – Т.: Ўзбекистон, 1995 й. 9 б.

Келажакда қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий ресурслар билан рақобатчилик асосида тўлиқ таъминлаш мақсадида уларнинг манбаларини шакллантириш ва туркумлаштириш, шунингдек, кредит механизмларини ва молиявий институтлар тизимини такомиллаштириш ҳамда шу маблағлардан самарали фойдаланиш масалаларини ҳал этиш объектив зарурият ҳисобланади. Юқоридаги масалаларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўлиқ ҳал этилмаганлиги бу муаммонинг долзарблигидан далолат беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ресурслар, уларнинг моҳияти, мазмуни, иқтисодий-ижтимоий аҳамияти, манбалари бўйича туркумлаштирилишининг назарий ва амалий асослари, йўналишлари ҳамда уларни шакллантиришда банк кредитларининг роли, уларнинг мамлакат ва соҳалар миқёсидаги самарадорлигини айрим масалалари хорижлик олимлари - Ю.П.Авдиянц, А.М.Бирман, У.Блумфилд, Стенли Л. Брю, В.В.Герашенко, Э.Дж.Долан, С.К.Дубинин, Е.Ф.Жуков, А.М.Косой, Л.Н.Красавина, О.И.Лаврушин, Д.Линдсей, М.Л.Лишанский, М.В.Любимов, Р.Макконелл, М.З.Пизенгольц, Самуэльсон, Г.Спенсер, А.Уильямс, М.М.Усоскин, А.В.Чаянов, Э.Шоу, М.А.Яхъяев ва бошқаларнинг илмий ва услубий ишларида ёритилган.

Республикамызда бозор муносабатларига ўтиш шароитида молиявий ресурсларнинг инвестициялар ва кредитлар ёрдамида шакллантирилиши, туркумлаштирилиши, уларнинг халқ хўжалиги ҳамда тармоқлар миқёсидаги иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини айрим жиҳатлари мамлакатимизнинг етук иқтисодчи олимлари - Ё.А.Абдуллаев, Ш.З.Абдуллаева, Э.А.Акрамов, С.А.Бержанов, И.А.Каримов, В.В.Ким, Т.С.Маликов, О.Ш.Номозов, С.А.Нуриддинов, О.О.Олимжонов, И.Р.Таймухамедов, Н. Ҳ. Ҳайдаров, Р.Ҳ.Ҳусанов, М.Ш.Шарифхўжаев, Ю.Е.Шенгер, А.У.Ўлмасов, А.Қ.Қодиров, Д.Г.Ғозибеков ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган.

Лекин шу давргача қишлоқ хўжалигининг молиявий ресурсларини, уларнинг кўп укладли иқтисодиёт шароитидаги турлари ва манбаларига кўра туркумлаштириш, уларнинг банклар ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари миқёсидаги самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, тармоққа кредит беришнинг амалдаги тартиби, динамикаси, шу жараёнда молия-кредит институтларининг роли, кредитларнинг банклар ва қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий самарадорлиги ягона тизим шаклида ўрганилмаган. Шунингдек, ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибалари, улардан республикада оқилона фойдаланиш имкониятлари ҳам етарли даражада тадқиқ этилмаган. Иқтисодиётда бундай ҳолнинг мавжудлиги диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради ва уни бажарилишини тақозо этади.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий маблағларининг манбаларини шакллантириш ва туркумлаштириш, банк кредитлари, уларнинг тижорат банклари ва қишлоқ хўжалик корхоналари миқёсидаги самарадорлигини аниқлаш, кредит механизмини ва молия-кредит институтлар тизимини ривожлантириш бўйича илмий, услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- кўп укладли иқтисодиёт талабидан келиб чиққан ҳолда молиявий маблағларни иқтисодий мазмуни ва моҳиятининг илмий асосларини очиб бериш;
- молиявий маблағларнинг манбаларини шакллантириш ва туркумлаштиришнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш йўлларини кўрсатиш;
- такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиявий маблағларнинг доиравий айланиши моҳиятини ва банк кредитларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқаришдаги аҳамиятини кўрсатиш;
- кредит маблағларидан фойдаланувчи қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ва уларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш;
- молиявий маблағлардан кредит механизми ёрдамида фойдаланишнинг қишлоқ хўжалигидаги самарадорлик даражаси ва динамикасини ҳамда юксалтириш йўлларини аниқлаш;
- бозор иқтисодиёти ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигидаги кредит тизимининг мазмуни ва ҳаракатини ўрганиш, улардан республикамизнинг аграр соҳасида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига кредит берувчи субъектлар кўламини кенгайтиришга ва кредит механизмларини такомиллаштиришга ҳамда ривожлантиришга бағишланган амалий тақлифлар бериш.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари:**

- қишлоқ хўжалигидаги молиявий маблағларнинг иқтисодий мазмунига, моҳиятига оид илмий фикрлар ривожлантирилган ва бу маблағларнинг турлари, манбалари ва мулкчилик шаклларини эътиборга олган ҳолда туркумлаштирилди;
- кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида молиявий маблағларнинг доиравий айланиши ва банк кредитларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқаришдаги аҳамияти ҳамда хусусиятлари илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинди;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, хўжаликларнинг молиявий маблағларга бўлган талабини қондириш жараёни, пул тушумлари оқимининг шаклланиш тартиби ҳамда улар ўртасидаги мутаносиблик исботлаб берилди;

- молиявий маблағларларнинг камлиги, молия - кредит бозорида рақобатнинг ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалик корхоналарида кредит кафолатининг етишмаслиги, айланма маблағларнинг қадрсизланиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг талаб даражасида эмаслиги аниқланди, банкларнинг кредит бозоридаги якка ҳокимлигини бартараф этишга оид амалий таклифлар берилди;
- кредит маблағларини жалб этувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти ҳамда кредитлар эвазига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ривожлантирилиб, улар илмий ва услубий жиҳатдан асосланди;
- акциядорлик-тижорат «Пахта Банк» ва «Фалла Банк»ларининг Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит бериш жараёни, унинг динамикаси ҳамда шу кредитлардан фойдаланиш натижасида аграр соҳа субъектларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланиб, уларни юксалтиришга оид таклифлар берилди;
- иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда аграр тармоқни молиялаштириш, кредит бериш тартиби ва тизимлари ўрганилиб, бу борадаги айрим илғор ва самарали тажрибаларни республикамиз қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда илмий асосланган фикр ва мулоҳазалардан молиявий маблағларни шакллантириш, банк кредит тизимини ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларни чуқурлаштиришда, ундаги илмий ва услубий ғоялардан банклар ҳамда қишлоқ хўжалик тапкилотлари фаолиятида фойдаланиш мумкин. Айрим ғоялар, аналитик рақамлар, чизмалардан эса тегишли ўқув курсларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот давомида қилинган хулоса ва берилган таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши молиявий маблағларни шакллантиришга, уларнинг кўпайишига, аграр тармоқни кредит билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга муайян ҳисса қўшади.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши.** Кредитларни жалб этишда етиштирилаётган маҳсулотларни гаровга қўйиш мумкинлиги, кредит олувчи субъектларнинг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳамда хўжалик раҳбарларининг маркетинг ва бизнесни бошқаришдаги қобилиятларини эътиборга олиш зарурлиги, хўжаликларнинг ўз маблағларига нисбатан банкларнинг кредит маблағларини олиши иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини исботловчи ҳисоб-

китоблар «Галла Банк»нинг кредит сиёсатини белгилашда фойдаланиш учун қабул этилди.

Хўжалик молиявий маблағларининг манбаларини, пул тушумлари оқими ёрдамида кредит маблағларига бўлган талабни аниқлаш ва шу кредит маблағларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш бўйича берилган аниқ амалий тавсиялар Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани «Охунбобоев» номли ширкат хўжалигининг ишлаб чиқаришини ҳамда молиявий фаолиятини режалаштириш (яъни бизнес режа тузишда) ва таҳлил қилишда фойдаланиш учун қабул қилинди.

**Илмий ишнинг апробация қилинганлиги.** Диссертация иши Тошкент молия институти «Банк иши» кафедрасида, Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Халқаро молия ва банк иши» кафедрасининг илмий семинари йиғилишида, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари» маркази қошидаги муаммовий Кенгаш семинарида, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Иқтисодиёт» йўналишлари бўйича муаммовий илмий семинарида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Илмий ишнинг асосий натижалари юзасидан қуйидаги илмий-амалий анжуманларда ва семинарларда маъруза қилинган ва маъқулланган: «Университет ёш олимлари ва талабаларининг илмий сессияси» (Тошкент. ТДИУ, 1995, 1996 й), 15 Халқаро Плеханов ўқишида (2002 й.), Жаҳон Банкининг Иқтисодий ривожланиш институти томонидан «Банк ва молиявий менежмент» мавзусига бағишланган семинарларда (Алматы ва Вашингтон, 1994, 1995, 1996, 1997й), Минтақавий банк ўқув марказида Республика банк ходимлари учун ташкил этилган семинарда (Тошкент. 2000й), Халқаро аудиторлик компанияси «ПрайсвотерхаусКуперс» томонидан ташкил этилган семинарларда (Москва – 1998, 1999, 2000, 2001й, Лондон – 2000й).

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилиши.** Илмий ишнинг мазмуни Ўзбекистон, АҚШ ва Россиянинг турли нашрларида чоп этилган 8та илмий мақолада баён қилинган.

**Тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми.** Диссертация 165 бетдан ташкил топиб, кириш, уч боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан (280 дон), 8 чизма ва 24 жадвалдан иборат. Уларда қишлоқ хўжалигининг молиявий маблағлари ва уларнинг манбаларини шакллантиришнинг илмий асослари, қишлоқ хўжалигида банк кредитларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик даражаси ва динамикаси, уларнинг маблағлар билан таъминланиш жараёнларини ривожлантириш йўллари мантиқан боғланган.

## 2. Диссертациянинг мазмуни

Давлат, аҳолининг ва ташқи бозорнинг сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш учун уларнинг талаб даражасида ишлаб чиқаришини таъминлаш зарур. Бу муаммонинг ҳал этилиши эса кўплаб молиявий маблағларни талаб этади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заминида ривожлантириш учун сарфланаётган барча маблағлар уларнинг молиявий маблағлари ҳисобланади. Илмий ишда қишлоқ хўжалик корхоналаридаги молиявий маблағларнинг моҳиятини ва шаклланиш манбаларини чуқур ўрганиш натижасида уларнинг барпо этилишини мантиқан ва мазмунан қуйидагича туркумлаштирдик (1-чизма).


Қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий маблағлари ўз фаолиятини ўзи молиялаштираётган шароитда, асосан, уларнинг ўз ва унга тенглаштирилган маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда. Чунончи, 1996-2002 йиллар мобайнида Тошкент вилояти хўжаликларида пул тушумлари миқдорининг 7 маротаба ошганлиги ҳам бунга яққол исботлайди.

Корхоналарнинг молиявий маблағларга бўлган талаби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шаклланиши мақсадга мувофиқдир. Лекин ўтиш даврининг ҳозирги босқичида корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар бузилиши оқибатида уларнинг молиявий маблағларга бўлган юқори даражадаги талаби ўз ва унга тенглаштирилган ҳамда қайта тақсимлаш натижасида шакллантирилаётган молиявий маблағлар ҳисобидан тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Шунинг учун аксарият қишлоқ хўжалик корхоналари вақтинча бўш бўлган маблағларни четдан жалб этишга, улардан оқилонга, самарали фойдаланишга катта эътибор бермоқдалар. Ҳозирги даврда молиявий маблағлар таркибида банк кредитлари энг муҳим ва аҳамиятли ўрин тутаяди. Улар фаолият кўрсатаётган хўжаликлар учун самарали натижаларга эришиш воситаси ҳисобланади. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилган молиявий маблағларнинг аксарият қисми уларнинг айланма капитални тўлдиришга ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Лекин сарфланаётган маблағларнинг миқдори талаб даражасида эмас, чунки молиявий маблағлар таркибида банк кредитларининг салмоғи паст. Тадқиқотимиз давомида исботланишича, бу ҳолатнинг асосий сабаби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда иқтисодий механизмларнинг бозор талаблари даражасида ҳал этилмаётганлигидадир. Оқибатда қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий маблағларга бўлган талаблари билан молиявий институтларнинг таклифлари ўртасида номуносивблик шаклланмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик корхо-



# Қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий маблағларининг манбалари

I -чизма



налариди айланма маблағларни барпо этиш учун акциядорлик-тижорат банкларидан берилаётган қисқа муддатли кредитлар 1998-2002 йилларда 212 млн сўмдан 119,3 млн. сўмгача камайган ва кредитларнинг молиявий маблағлар таркибидаги салмоғи 3 фоиздан 1 фоизга тушган. Лекин бундай ҳолат барча қишлоқ хўжалик корхоналари учун хос эмас. Банк кредитларининг салмоғи 1998-2002 йилларда жамоа ҳамда пай мулкига асосланган ширкат хўжаликлариди атига 1 фоизни ташкил этган бўлса, шахсий мулкка асосланган фермер хўжаликлариди 22-28 фоизга тўғри келган. Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнини молиявий маблағлар билан бир меъёрда таъминлаш мақсадида ўз маблағлари билан биргаликда, тижорат банкларидан олган кредитлардан ҳам фойдаланмоқда. Шундай экан, сарфланган барча маблағларнинг иқтисодий самарадорлигини илмий ҳамда амалий жиҳатдан асосланган ҳолда аниқлаш ва таҳлил қилиш объектив равишда талаб этади. Бунинг учун молиявий маблағларнинг мақсад ва вазибаларини эътиборга олган ҳолда тижорат банклари бўйича ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида алоҳида кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган. Чунончи, акциядорлик-тижорат банклари бўйича берилган бир сўмлик кредит эвазига олинган фоиз даромади, яъни даромад, банк кредитларининг иқтисодий самарадорлик даражасини исботласа, қишлоқ хўжалик корхоналарида эса айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти, муддати, капитал қўйилмаларнинг тармоқдаги иқтисодий самарадорлиги, уларнинг қопланиш муддати ҳамда 1 сўмлик молиявий маблағлар эвазига олинган яъни ва соф даромад миқдори исботлайди.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун сарфланаётган кредит маблағларининг миқдори 1998-2001 йиллар мобайнида 34 мартага кўпайиб, 3,9 млрд. сўмни ташкил этган. Тошкент вилоятида эса у 23,2 мартага ортиб, 596 млн. сўмга етган. Бу маблағлар асосан акциядорлик-тижорат «Пахта Банки» ва «Ғалла Банки» тамонидан берилган. Акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»ининг вилоятдаги туман бўлимлари 1998 йилда жамоа, ширкат хўжаликларига бевосита пахтачиликни ривожлантириш учун 207,9 млн. сўмлик фоизсиз узоқ муддатли кредит берган. Бу шу йили берилган жами кредит маблағларининг атига 13,3 фоизни ташкил этиб, қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий маблағларга бўлган юқори даражадаги талабини тўлиқ қондира олмади. Шу боисдан ҳам бу масалани ижобий ҳал этиш учун давлат сезиларли ёрдам кўрсатмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан 1998 йил 31 декабрда Молия вазирлиги қошида ташкил этилган «Давлат буюртмалари бўйича пахта, дон ва шоли маҳсулотларини сотиб олиш бўйича махсус Фонд» фаолият кўрсатмоқда.

Корхоналарнинг кредит маблағларига бўлган талабларини тўғри аниқлашда уларнинг пул маблағлари оқимини реал эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки қишлоқ хўжалигида пул маблағлари тушуми билан уларнинг ишлаб чиқаришга сарфланиши ўртасида номуносивблик мавжуд. Бу ҳолат ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан боғлиқдир. Масалан, пахтани экиш апрел ва май ойларида бошланса, ҳосил сентябр, октябр, айрим ҳолларда, ноябр ойларида териб олинади. Қишлоқ хўжалигининг бу хусусиятлари молиявий харажатлар даражасининг иш давларида турлича бўлишини тақозо этади. Агарда экинларни экиш даврида жами харажатларнинг 28-30 фоизи сарфланса, ишлов бериш ойларида ўртача 19-26 фоизи, ҳосилни териб олишда эса 37-40 фоизи сарфланади (1-жадвал). Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш даври 140-150 кун давом этиб, қисқа мuddат давомида йиғиштириб олиниши лозим. Уларни сотиш натижасида хўжаликларнинг пул даромадлари шаклланади.

### 1-жадвал

**Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги жамоа, ширкат хўжаликларида пахта, ғалла етиштириш учун сарфланган харажатларнинг ва уларнинг маҳсулотларини сотиш натижасида олинган пул тушумларини ойлар бўйича салмоғи (ўртача 1999-2002 й.)**

		ОЙЛАР												Жами %	
		01	02	03	04	05	06	07	08	09	10	11	12		
1	Пахта	Харажат	1	1	5	13	9	6	8	12	24	12	8	1	100,0
		Пул тушуми	10	-	-	-	-	-	-	6	40	25	8	11	100,0
2	Бугдой	Харажат	1	1	1	1	3	19	30	9	-	21	12	2	100,0
		Пул тушуми	-	-	-	-	-	25	53	22	-	-	-	-	100,0

Юқорида таъкидлаганимиздек, жалб этилаётган кредит маблағлари миқдори қишлоқ хўжалик корхоналарининг бундай маблағларга бўлган талабларини қондира олмаётир.

Банклар тамонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит маблағлари ҳаддан ташқари кам берилишининг асосий сабаби, бизнингча, хўжаликларнинг иқтисодий заифлигидадир. Хўжаликлар ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етарли миқдорда фойда кўрмаганидан, улар олган кредит маблағларини вақтида қайтариб беролмайдилар. Шунинг учун ҳам банклар хўжаликларга кредит беришга шоямайдилар.

Шакллантирилаётган молиявий маблағлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, жумладан, янги ерларни ўзлаштиришга, фойдаланилаётган ерларнинг ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилашга, янги техникалар сотиб олишга, илғор технологияларни жорий этишга ва бошқаларга сарфланмоқда. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланишига ижобий таъсир этмоқда. Бу фикр Тошкент вилоятига ҳам тегишлидир. Шу боис, вилоятда 1998-2001 йилларда донли экинларнинг ялпи ҳосили 29,8 фоизга, пахтанинг ялпи ҳосили эса

11.7 фоиизга ошган. Бу йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳақиқий баҳоларда 1,6 мартага ортган. 1998 йилда вилоят қишлоқ хўжалигида 1,4 млрд. сўмлик зарар кўрилган бўлса, 2001 йилга келиб 7,6 млрд. сўмлик фойда олинган. 2001 йилда ширкат хўжалиklarининг умумий рентабелиги 21,3 фоиизни ташкил этган. 2000 йилда эса рентабеллик даражаси 16,3% бўлган. 2001 йилда сарфланган барча харажатларнинг ҳар бир сўми эвазига 21,3 тийиндан фойда олинган. Бу рақамлар шу йилларда ширкат хўжалиklarининг умумий иқтисодий самарадорлиги ошганлигидан далолат бермоқда. Шу масалага алоҳида эътибор берган хўжалиklarда кредит ҳамда бошқа манбалардан, жалб этилаётган маблағлардан самарали фойдаланишга эришиб, хўжалиklarнинг иқтисодиётини юксалтиришга эришмоқдалар. Натижада хўжалиklarнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ортмоқда. Бунга мисол қилиб Ўрта Чирчиқ туманидаги «Охунбобоев» номи ширкат хўжалигини келтириш мумкин. У 1994 – 1998 йиллар мобайнида иқтисодий жиҳатдан зарар кўраётган хўжалик ҳисобланар эди. Хўжалик 1999 йилда 2,4 млн. сўмлик, 2002 йилда 2,4 млн. сўмлик узоқ мудатли кредит олиб, уни ерларнинг унумдорлигини оширишга ҳамда техникаларни капитал таъмирлашга сарфлаган. Кредит маблағларини сарфлаш натижасида олинган қўшимча ҳосилни сотиш туфайли хўжалик 1999 йил қўшимча 1,5 млн. сўм, 2002 йил эса қўшимча 1,6 млн. сўм фойда олган. Мазкур йилларда, кредитнинг иқтисодий самарадорлик коэффициентини мос равишда 0,6 ва 0,7ни ташкил этган. Иқтисодий самарадорлик даражасининг юқорилиги эвазига кредитни қоплаш муддати ҳам режалаштирилганига нисбатан (5 йил) 3 – 3,5 марта юқори бўлган (2-жадвал).

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда иқтисодиётни ривожлантиришда кредит тизимининг аҳамияти улкан. Уларни кредит ташкилотлари билан ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кредитлаштириш жараёнидаги муносабатларнинг мазмунини эътиборга олган ҳолда икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси «очиқ эркин бозор», иккинчиси эса «кооператив усулда тартибга солиш» деб номланади. АҚШда амалга оширилаётган кредит тизими биринчи турга хос бўлса, Япония ва Олмонияда қўлланаётган тизим иккинчи турга киради.

АҚШда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар кредитларни турли манбалардан олмақдалар (3-жадвал). Кредит маблағларининг манбасини танлаш бевосита талаб этилаётган кредит турига ҳамда хўжаликнинг молиявий ҳолатига боғлиқ. АҚШда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун шахсий кредиторлар ҳам анчагина маблағ сарфлашмоқда. Шахсий кредиторларнинг кредит маблағларини қайтарилишига давлат кафолат беради. Шунинг учун ҳам улар маблағларининг салмоқли қисмини қишлоқ хўжалигини

ривожлантириш мақсадида фермерларга турли муддатларга қарзга бермоқдалар.

2 - жадвал

**Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқончилигига сарфланган узоқ муддатли кредитнинг иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йил	
			1999	2002
1	Пахта экин майдони	Га	985	985
2	Шоли экин майдони	Га	180	180
3	Бугдой экин майдони	Га	900	900
4	Олинган кредит суммаси	млн.сўм	2,4	2,4
5	Кредит эвазига амалга оширилган ирригация ва мелиорация тадбирлари ҳисобига : - пахта ҳосилининг ошиши - шоли ҳосилининг ошган миқдори - бугдой ҳосилининг ошган миқдори	Центнер Центнер Центнер	3447,5 144,0 870	2856,5 108 360
6	Етиштирилган ялли ҳосил миқдори : - пахта хомашёси - шоли - бугдой	Тонна Тонна Тонна	3186 583,0 3514,0	2946 552 3212
7	Жами харажат суммаси Шундан : - пахта хомашёсига - шолига - бугдойга	млн.сўм	201,0 115,0 19,2 66,8	247,0 149,2 23,9 73,9
8	Маҳсулот сотишдан тушган жами пул Шундан : - пахта хомашёсини сотишдан - шolini сотишдан - бугдойни сотишдан	млн.сўм	218,6 125,0 19,9 72,7	270,8 165,0 24,7 81,1
9	Маҳсулот етиштиришдан олинган фойда Шундан : - пахта хомашёсини етиштиришдан - шolini етиштиришдан - бугдойни етиштиришдан	млн.сўм	17,6 11,0 0,7 5,9	24,0 15,9 0,8 7,3
10	Шундан кредитларни сарфлаш эвазига олинган фойда	минг сўм	1457,4	1636,1
11	Сарфланган кредитнинг иқтисодий самарадорлик коэффициенти		0,607	0,682
12	Сарфланган кредит маблағининг қоплаш муддати	Йил	1,65	1,47
13	Деҳқончиликнинг рентабеллик даражаси	%	8,76	9,72

3-жадвал

**АҚШ қишлоқ хўжалигини кредит билан таъминловчи манбалар (фоиз ҳисобида)**

№	Кредит маблағлари манбалари	Айланма маблағларни сотиб олишга жалб этилган кредитлар		Кўчмас мулкни сотиб олишга жалб этилган кредитлар	
		1985	1994	1985	1994
1	Тижорат банклари	35	51	11	24
2	Фермерлар кредит тизими	15	16	42	33
3	Товар-кредит корпорациялари	18	5	-	-
4	Сугурта компаниялари	-	-	11	11
5	Фермерлар маъмурияти	17	7	10	11
6	Шахсий кредиторлар	15	21	26	21

Олмония қишлоқ хўжалигини кредит маблағлари билан таъминлашда бир неча турдаги кредитларнинг уюшган шаклидан фойдаланилмоқда. Бу кредит бозорида асосан тижорат банклари билан махсус ташкилотлар фаолият кўрсатмоқдалар. Қишлоқ хўжалигига жалб этилган жами кредит маблағларининг 46,2 фоизи кооператив банклар, 31,4 фоизи жамғарма банклари, 10,5 фоизи кредит банклари, 7,5 фоизи ипотека банклари ҳиссасига тўғри келган<sup>2</sup>. Демак, давлатда қишлоқ хўжалигини кредит маблағлари билан таъминловчи асосан кооператив банклар билан жамғарма банклари ҳисобланади. Улар жами кредитларнинг 77,6 фоизини бермоқдалар.

Олмония қишлоқ хўжалигини кредит маблағлари билан таъминлашда ихтисослашган қишлоқ хўжалик рента банклари ҳам қатнашадилар. Уларнинг фаолияти давлат тамонилан бошқарилади.

Ривожланган давлатлардаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг кенг қиррали фаолиятларини кредит билан таъминлаш тизими ва усулларидан республикамизда ҳам фойдаланилса, келажакда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва самарадорлиги таъминланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида эркин бозор муносабатларини шакллантириш даврида амалда бўлган кредит бериш тизимини чуқур ўрганиб, куйидаги объектив ҳолатларни аниқладик:

- тармоқда маҳсулот етиштириш жараёнининг мавсумий хусусиятга эгаллиги ва узоқ муддат давом этиши туфайли корхоналарнинг айланма маблағларга бўлган талаби катта, лекин уларнинг молиявий маблағларга бўлган объектив талаби керак бўлган даврда тўлиқ қондирилмаётир;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини рентабеллик даражасининг пастлиги сабабли уларнинг молиявий маблағга бўлган талабларини тўлиқ қондириш учун тижорат банклари ва бошқа молия-кредит институтлари етарли миқдорда молиявий маблағларни кредит шаклида ажратмаётир. Шунингдек хўжаликларнинг рентабеллик даражаси берилаётган турли хилдаги кредитларнинг тўлаш фоиз ставкаларига нисбатан паст;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сотиш баҳолари билан саноат корхоналари маҳсулотларини сотиб олиш эркин баҳолари ўртасида номутаносибликнинг мавжудлиги оқибатида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини кўпайинчи натижасида улар оладиган фойданинг сезиларли қисми саноат корхоналари ихтиёрига ўтиб кетмоқда. Оқибатда хўжаликларнинг фойдалари қисқариб, аксарият ҳолларда зарарга ишламоқда;

<sup>2</sup> Карпенко И. Роль государственной финансовой помощи и кредитования в развитии сельского хозяйства ФРГ // Международный сельскохозяйственный журнал. -1992. № 5.

- хўжаликларнинг сотган маҳсулотлари учун пул маблағларини вақтида ололмаётганлиги оқибатида уларнинг дебиторлик қарзлари йилдан – йилга ошиб бормоқда.

Республика, айниқса, Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятида юқорида қайд этилган салбий ҳолатларнинг мавжудлиги туфайли маҳсулот етиштириш учун молиявий маблағлар етишмайди. Бу масалани маълум даражада ҳал этиш мақсадида тармоқда қишлоқ кредит уюшмаларини тузиш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки худди шундай уюшмалар бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда ўзини оқламоқда.

Ташкил этиш тақлиф этилаётган қишлоқ кредит уюшмалари нотижорат молия-кредит ташкилот сифатида тижорат банкларидан баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади (2–чизма). Қишлоқ кредит уюшмалари – тижорат банкдан ўз фаолиятининг мақсади, ташкилий–ҳуқуқий шакли, фойдани тақсимлаш усули, ўз маблағларининг манбалари ва хизмат кўрсатиш усуллари билан тубдан фарқ қиладиган алоҳида турдаги молиявий институт ҳисобланади.

## 2 – чизма

### Қишлоқ кредит уюшмаларининг тижорат банкларидан фарқи

Т/р	Фарқ қилиш мезонлари	Қишлоқ кредит уюшмаси (ҚКУ)	Тижорат банки
1	Фаолият мақсади	Аъзоларининг кредит маблағларга бўлган талабини вақтида қондириш	Фойда олиш
2	Ташкилий–ҳуқуқий шакли	Жамоа кооператив	Акционерлик жамияти ёки хусусий
3	Ўз капиталининг манбалари	Аъзоларининг пай бадаллари, давлатнинг мақсадли, имтиёзли кредитлари, аҳолининг бўш маблағлари	Акционерларнинг устав капиталига қўшаётган маблағлари, фойдалан ажратмалар
4	Кўрсатаётган хизмат турлари	Уюшма аъзоларига кредит хизматларини бажариш, уларнинг маблағларини сақлаш, аҳолига молиявий хизматлар кўрсатиш	Талабдорларга турли хилдаги кредит хизматларини кўрсатиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларини юритиш, молиявий хизматлар кўрсатиш
5	Фойдани тақсимлаш	Захира фондга ўтказиш	Акционерларга дивиденд шаклида бериш
6	Хизмат доираси	Уюшма аъзоларига	Барча ҳоҳловчиларга

Қишлоқ кредит уюшмасининг асосий фаолияти уюшма аъзоларига кредит бериш ва пул маблағларини жамғариш каби хизматларни кўрсатишдан иборат. Шунга мос ҳолда ушбу хизматларни амалга ошириш учун уюшманинг кредит сиёсати ишлаб чиқилади ва низомида белгилаб қўйилади.

Кредит уюшмаларини ташкил қилишнинг объектив заруриятини сезган ҳолда, 2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг

«Кредит уюшмалар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Бу қонуннинг қабул этилганлиги бизнинг тақлифларимиз амалга ошириляётганидан далолат беради.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида иқтисодий ислохотларни тарафлаштириш натижасида республика иқтисодиётини эркинлаштириш энг муҳим устувор йўналиш ҳисобланади. Бу «... босқич бозор тизимларининг шаклланиши тугалланадиган давр бўлиб, ... молия ва кредит, банк тизимларини янада такомиллаштиришни кўзда тутаяди»<sup>3</sup>. Кредитларни беришдан олдин кредит олувчи субъектнинг иқтисодий барқарорлигини исботловчи кўрсаткичларни «куруқ» рақамлар асосида аниқлаш билан чекланмасдан, аксинча, унинг балансдаги рақамлар акс эттиролмайдиган фаолиятини ҳам чуқур таҳлил қилиш, жумладан, у корхона раҳбарларининг маркетинг соҳасидаги, бизнесни бошқаришдаги ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги қобилиятларини ўрганиш лозим. Афсуски, бу масалаларга бизда етарли эътибор берилмаётир. Чет эл банкларида эса кредит олувчиларнинг иқтисодий ҳолатини CAMPAI ва ICE усулида баҳолаш кенг қўлланмоқда. Демак, келажакда бу усуллардан банкларимиз ҳам фойдаланса, фойдадан холи бўлмасди.

Республикаимиз банк тизимида кредитларнинг қайтарилиш масаласи аксарият ҳолларда гаров миқдорига ҳамда турига эътибор берган ҳолда ҳал этиляди. Масалага шу тарзда ёндашиш тартибини ўзгартириш зарур. Бунинг учун кредит олувчининг фаолиятини таҳлил этиш ва унга бўлган ишончни бирламчи билиб, гаров масаласини иккинчи ўринга қўйиш лозим. Шунингдек, кредит олган субъектнинг иқтисодий аҳволини кредит муддати давомида тўлиқ таҳлил қилиб боришни ҳам банк амалиётига татбиқ этиш вақти келди. Бундай тартиб банкнинг кредит бўйича аниқ қарорлар қабул қилиши учун асос бўляди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг айланма маблағларини молиялаштириш учун талаб этиляётган кредит суммасининг оптимал миқдорини аниқлашда пул тушумлари оқимини прогностлаштириш вариантдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Биз шу усулдан фойдаланган ҳолда ширкат хўжаликларининг айланма маблағларга бўлган талабини қондириш учун кредитнинг оптимал миқдорини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бу усулдан фойдаланиш келажакда хўжалик самарадорлигининг юксалишини таъминлайдиган қуйидаги масалаларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади:

- айланма маблағларни молиялаштириш учун зарур бўлган кредит маблағларининг аниқ миқдорини муддатлар бўйича белгилаб беради;

<sup>3</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995 й. 174 б.



- ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун лозим бўлган қўшимча инвестицион маблағларнинг манбаси ва миқдорини белгилайди;
- прогнозлаштирилган пул тушумлари, харажатлар суммасини ҳақиқий маълумотлар билан таққослаш натижасида уларни назорат қилиш имкониятини беради;
- ишлаб чиқаришни самарали бошқариш, бизнесни ривожлантириш йўллариини белгилашга кўмаклашади.

Қишлоқ хўжалигида банк кредитлари ҳажмини кўпайтириш учун кафолатлар кўламини кенгайтириш, яъни хўжаликлар оладиган кредитларнинг қайтимини кафолатлаш учун етиштирадиган маҳсулотлардан, пул тушумлари ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқидан кенг миқёсда фойдаланиш лозим. Шунда банкларда бераётган кредитларини қайтариб олиш учун барқарор ишонч ҳосил бўлади. Хўжаликларда эса маъсулият ва жавобгарлик ҳар томонлама ошади. Чунки улар ердан фойдаланиш ҳуқуқидан ҳамда етиштираётган маҳсулотларидан олинadиган пул тушумларидан айрилиб қолишни истамайдилар. Шунинг учун улар олаётган кредит маблағларидан тадбиркорлик билан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Оқибатда бу тартиб банклар ҳамда хўжаликлар фаолиятининг самарали бўлишини таъминлайди.

Бу ҳолни биз Куйи Чирчиқ туманидаги «А.Навоий» номли ва «Гулистон» ширкат хўжаликлари мисолида кўриб чиқдик (4-жадвал). Уларнинг ҳар бири 2002 йилда ўз ишлаб чиқаришлари учун бир хил миқдорда маблағ сарфлаб, миқдоран тенг фойда олган. Маблағларининг рентабеллиги 30 фоизни ташкил этган. Лекин бу натижага улар турли манбалардан маблағ жалб этиш эвазига эришганлар. Чунончи, «А. Навоий» номли ширкат хўжалиги раҳбарлари барча харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган бўлса, «Гулистон» ширкат хўжалиги раҳбарлари эса 15 млн. сўмнинг 50 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан, қолган 50 фоизини эса кредит маблағлари ҳисобидан сарфлаган. «Гулистон» хўжалиги 7,5 млн. сўмлик кредитни 24 фоиз ставкасида олган.

#### 4-жадвал

#### Хўжаликларнинг ўз маблағлари ҳамда четдан жалб этилган маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги (минг сўм)

Кўрсаткичлар	«А. Навоий» номли ширкат хўжалиги	«Гулистон» ширкат хўжалиги
1. Сарфланган маблағ	15,000	15,000
Шундан :		
1.1. ўз маблағлари	15,000	7,500
1.2. кредит маблағлари	-	7,500
2. Кўйилган маблағлардан фойда (30%)	4,500	4,500
3. Кредит учун тўлов (24%)	-	1,800
4. Кўйилган ўз маблағларидан фойда (2-сатр - 3- сатр)	4,500	2,700
5. Ўз маблағларининг рентабеллиги (4-сатр/1.1- сатр x 100) (%)	30%	36%

Шунинг учун 1,8 млн. сўм фойдадан банкка фоиз тўлаган. Қолган фойда 2,7 млн. сўми, ўз маблағидан сарфланган 7,5 млн. сўмнинг рентабеллиги эса 36 фоизни ташкил этган. Демак, «Гулистон» ширкат хўжалигида ўз маблағларининг рентабеллик даражаси «А.Навойи» номли ширкат хўжалигидагига нисбатан 6 фоизга юқори бўлган. Бунга асосан кредит маблағини жалб этиш эвазига эришилган. Чунки кредитнинг фоиз ставкаси 24 фоиз бўлган, ўз маблағларининг рентабеллиги эса 30 фоизни ташкил этган.

### 3. Хулоса ва таклифлар.

Илмий ишни бажариш натижасида бир қанча илмий-амалий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилди, жумладан:

- қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятларини самарали ривожлантириш учун молиявий маблағлар зарур;
- иқтисодий ислохотларнинг учинчи босқичида молиявий институтлар тизимини янада ривожлантириш лозим;
- ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий маблағларини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда туркумлаштиришни назарий жиҳатдан асослаш долзарб масаладир;
- банк кредитларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини яратиш керак;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жалб этилаётган банк кредитлари иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан самарали ҳисобланади;
- қишлоқ хўжалигида молия-кредит институтлар кўламини ривожлантириш йўллари белгилашда иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳорижий давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир;
- қишлоқ хўжалигида молиявий маблағларнинг мазмуни ва моҳияти теранлаштирилган ва улар манбалари, турларига кўра туркумлаштирилди;
- молиявий маблағларнинг доиравий айланиши ва банк кредитларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги аҳамияти ва хусусиятлари кўрсатилди;
- ишлаб чиқаришнинг хусусиятларига кўра, харажатларнинг норитмиклиги, уларнинг молиявий маблағлар билан бир меъёрда таъминланмаганлиги ва пул тушумлари оқимининг шаклланиши ўрганилган ҳамда улар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш йўллари кўрсатилди;
- тижорат банклари ва қишлоқ хўжалик корхоналарида молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ягона тизими ишлаб чиқилди;

- молия-кредит институтларининг ривожланишини таъминлаш мақсадида қишлоқ кредит уюшмаларини ташкил этиш зарурлиги ҳамда уларнинг мақсади ва вазифалари асослаб берилди;
- қишлоқ хўжалигига берилаётган кредитларнинг ва корхоналарнинг молиявий маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги динамикаси ўрганилди ва уларни келажакда ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди;
- хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда молия-кредит институтларининг ўрни ўрганилиб, улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари таклиф этилди;
- кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида уларни кафолатлаш тизими ривожлантирилди.

Уларнинг амалиётга татбиқ этилиши келажакда қишлоқ хўжалигидаги молиявий маблағларнинг ва банк кредитлари самарадорлигининг юксалишини таъминлайди.

#### 4. Тадқиқотнинг илмий мақола ва нашрларда чоп этилганлиги.

1. Абдуганиев Б.А. «Кредит и гарантия его погашения», Рынок, деньги и кредит, Ташкент, 1999 г., №5, 32-33 бетлар.
2. Абдуганиев А.А., Абдуганиев Б.А. «Маблағларни жалб қилиш», Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Тошкент, 1999 й., №6, 8-10 бетлар.
3. Абдуганиев Б.А. «Микрокредитлар қандай тартибда берилади?», Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Тошкент, 2000 й., №4, 7-8 бетлар.
4. Абдуганиев Б.А. «Прогнозирование потока денежных средств для финансирования оборотного капитала», Сельское хозяйство Узбекистана, Ташкент, 2001 г., №5, 52-53 бетлар.
5. Абдуганиев Б.А., Фозилова Ф.Ш. «Лизинг – самарадорлик омили», Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Тошкент, 2000 й., №4, 11-12 бетлар.
6. Абдуганиев Б.А. «Проблемы кредитования сельскохозяйственных товаропроизводителей в Узбекистане». Пятнадцатые Международные Плехановские чтения: Тезисы докладов (27 апреля, 2002 г.) - Москва, 2002 г., 126-128 бетлар.
7. Abduganiev A.A., Yadiyagova S.A., Abduganiev B.A. Private Farm Credit System Analysis in the Republic of Uzbekistan. Texas A&M University. College Station. Texas. USA. September 2002. 24 бет.
8. Абдуганиев Б.А. «Совершенствование государственного механизма финансирования сельскохозяйственного производства в Республике Узбекистан». Сборник докладов. Научная сессия профессорско-преподавательского состава, научных сотрудников и аспирантов по итогам НИР 2001 года. Санкт-Петербургский Государственный Университет Экономики и Финансов. Санкт-Петербург, 2002 г., 106-107 бетлар.

Тадқиқотчи



**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор**  
**Бахромжон Абдулатифович Абдуғаниевнинг**  
**08.00.07 — «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича**  
**«Молиявий манбалар ва банк кредитларининг самарадорлиги**  
**муаммолари» мавзусидаги диссертациясини**

## **ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Калитли сўзлар:** молиявий маблағлар, пул оқимлари, айланма маблағларнинг доиравий айланиши, қишлоқ кредит уюшмалари.

**Тадқиқот объекти:** молиявий маблағлар, уларни давлат ва банк кредит механизми ёрдамида амалга оширувчи тижорат банклари ҳамда улардан фойдаланувчи Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик корхоналари.

**Тадқиқотнинг мақсади:** кўп укладли иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий маблағларининг манбаларини шакллантириш ва туркумлаштириш, банк кредитлари, уларнинг тижорат банклари ва қишлоқ хўжалик корхоналари миқёсидаги самарадорлигини аниқлаш, кредит механизмини ва молия-кредит институтлари тизимини ривожлантириш бўйича илмий, услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг методи:** таркибий, функционал таҳлил, мантиқий схемалаш, динамик қаторлар тузиш, анализ ва синтез, қиёслаш, вариантлар ва чизмалар тузиш усулларидан фойдаланилган.

### **Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:**

қишлоқ хўжалигидаги молиявий маблағларнинг иқтисодий мазмунига, моҳиятига оид илмий фикрлар ривожлантирилган ва бу маблағларнинг турлари, манбалари ва мулкчилик шаклларини эътиборга олган ҳолда туркумлаштирилди; кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш жараёнида молиявий маблағларнинг доиравий айланиши ва банк кредитларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришдаги аҳамияти ҳамда хусусиятлари илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилинди; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, хўжаликларнинг молиявий маблағларга бўлган талабини қондириш жараёни, пул тушумлари оқимининг шаклланиш тартиби ҳамда улар ўртасидаги мутаносиблик исботлаб берилди; молиявий маблағларларнинг камлиги, молия - кредит бозорида рақобатнинг ривожланмаганлиги, қишлоқ хўжалик корхоналарида кредит кафолатининг етишмаслиги, айланма маблағларнинг қадрсизланиши ва улардан фойдаланиш самарадорлигининг талаб даражасида эмаслиги аниқланди, банкларнинг кредит бозоридаги якка ҳокимлигини бартараф этишга оид амалий таклифлар берилди; кредит маблағларини жалб этувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти ҳамда кредитлар эвазига қишлоқ хўжалик ишлаб

чиқаришининг иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ривожлантирилиб, улар илмий ва услубий жиҳатдан асосланди; акциядорлик-тижорат «Пахта Банк» ва «Ғалла Банк»ларининг Тошкент вилояти қишлоқ хўжалик корхоналарига кредит бериш жараёни, унинг динамикаси ҳамда шу кредитлардан фойдаланиш натижасида аграр соҳа субъектларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланиб, уларни юксалтиришга оид таклифлар берилди; иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда аграр тармоқни молиялаштириш, кредит бериш тартиби ва тизимлари ўрганилиб, бу борадаги айрим илғор ва самарали тажрибаларни республикамыз қишлоқ хўжалигига татбиқ этиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

**Амалий аҳамияти:** Диссертацияда илмий асосланган фикр ва мулоҳазалардан молиявий маблағларни шакллантиришда, банк кредит тизимини ривожлантиришга бағишланган тадқиқотларни чуқурлаштиришда, ундаги илмий ва услубий ғоялардан банклар ҳамда қишлоқ хўжалик ташкилотлари фаолиятида фойдаланиш мумкин. Айрим ғоялар, аналитик рақамлар, чизмалардан эса тегишли ўқув курсларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот давомида қилинган хулоса ва берилган таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши молиявий маблағларни шакллантиришга, уларнинг кўпайишига, аграр тармоқни кредит билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга муайян ҳисса қўшади.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** Кредитларни жалб этишда етиштирилаётган маҳсулотларни гаровга қўйиш мумкинлиги, кредит олувчи субъектларнинг иқтисодий барқарорлигини, ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳамда хўжаликлар раҳбарларининг маркетинг ва бизнесни бошқаришдаги қобилиятларини эътиборга олиш зарурлиги, хўжаликларнинг ўз маблағларига нисбатан банкларнинг кредит маблағларини олиши иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини исботловчи ҳисоб-китоблар акциядорлик-тижорат «Ғалла Банк» ва «Пахта Банк»ларининг кредит сиёсатларини белгилашда фойдаланиш имконияти мавжуд.

Хўжаликнинг молиявий маблағларининг манбаларини, пул тушумлари оқими ёрдамида кредит маблағларига бўлган талабни аниқлаш ва шу кредит маблағларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш бўйича берилган амалий тавсиялардан Тошкент вилояти ширкат ва фермер хўжаликларининг ишлаб чиқаришини ҳамда молиявий фаолиятини режалаштириш (яъни бизнес режа тузишда) ва таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлаш соҳаси:** Банк ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш соҳалари.

## РЕЗЮМЕ

Диссертация Абдуганиева Бахромжона Абдулатифовича на тему «**Финансовые источники и проблемы эффективности использования банковских кредитов**» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 «**Финансы, денежное обращение и кредит**»

**Ключевые слова:** финансовые ресурсы, потоки денежных средств, кругооборот оборотных средств, сельскохозяйственные кредитные союзы.

**Объекты исследования:** финансовые ресурсы, коммерческие банка, которые предоставляют эти ресурсы посредством государственных и банковских кредитов, а также сельскохозяйственные предприятия Ташкентского вилоята, которые являются пользователями кредитов.

**Цель работы:** разработка научных, методических и практических рекомендаций по вопросам классификации и формирования источников финансовых ресурсов сельскохозяйственных предприятий в условиях многоукладной экономики, роли и места банков в этом процессе, определения эффективности использования финансовых ресурсов на уровне банков и сельскохозяйственных предприятий, развития кредитного механизма и системы финансово-кредитных институтов.

**Методы исследования:** структурный и функциональный анализ, составление логических схем, построение динамических рядов, анализ и синтез, сравнение, составление вариантов и схем.

**Полученные результаты и их новизна:** развиты научные идеи, свойственные экономическому содержанию и значимости финансовых ресурсов сельскохозяйственных предприятий, а также совершенствована их классификация с учетом видов, источников и форм собственности; научно обоснована оборачиваемость оборотных средств в условиях расширенного воспроизводства и роль банковских кредитов в управлении сельскохозяйственным производством с учетом особенностей данного сектора; раскрыты процесс удовлетворения спроса на финансовые ресурсы в сельском хозяйстве с учетом ее особенностей, порядок формирования денежных средств и аргументирована пропорциональность между ними; определены недостаточность финансовых ресурсов и обесценение оборотных средств, дана оценка эффективности использования финансовых ресурсов, проанализированы несовершенство рынка финансово-кредитных ресурсов и слабое развитие условий залога в сельском хозяйстве, а также даны практические рекомендации по устранению единовластиа банков на кредитном рынке; совершенствована и обоснована система

показателей оценки эффективности использования кредитных ресурсов в сельскохозяйственном производстве, а также экономической деятельности сельскохозяйственных субъектов; раскрыт процесс и динамика кредитования сельскохозяйственных предприятий Ташкентского вилоята филиалами акционерно-коммерческого «Пахта Банка» и «Галла Банка», определена экономическая эффективность деятельности сельскохозяйственных субъектов в результате использования кредитных ресурсов, а также даны предложения по их совершенствованию; был изучен опыт экономически развитых стран по вопросам финансирования аграрного сектора, порядка и системы кредитования, на основе которого были даны практические рекомендации по внедрению в нашу практику их передового опыта.

**Практическая значимость:** Научно обоснованные идеи и рассуждения, приведенные в диссертации могут быть использованы для углубления исследований по вопросам дальнейшего развития системы банковского кредитования и формирования финансовых ресурсов, некоторые научные и методические идеи могут быть использованы в деятельности банков и сельскохозяйственных предприятий, аналитические данные, таблицы и схемы целесообразно использовать в соответствующих учебных курсах.

Внедрение в практику заключений и предложений, сделанных в ходе исследования, внесет посильный вклад в развитие и повышение эффективности сельскохозяйственного производства, совершенствованию системы обеспечения аграрной отрасли кредитными ресурсами и формирование финансовых ресурсов.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Возможность получения производимой продукции в залог при предоставлении кредита, необходимость оценки способностей и навыков руководства предприятий в сфере управления бизнесом и маркетинга, наряду с анализом системы показателей экономической состоятельности заёмщиков, а также расчеты экономической эффективности использования заёмных средств по сравнению с собственными средствами могут быть использованы при разработке кредитной политики акционерно-коммерческого «Пахта Банка» и «Галла Банка».

Практические предложения по вопросам выявления источников финансовых ресурсов хозяйствующих субъектов, определения суммы кредита путем прогнозирования потоков денежных средств, а также оценки экономической эффективности использования кредитных ресурсов могут быть использованы при планировании и анализе производственной и финансовой деятельности (разработке бизнес плана) ширкатных и фермерских хозяйств Ташкентского вилоята.

**Область применения:** Сельское хозяйство и банковский сектор.

## RESUME

**Thesis of Abduganiev Bakhromjon Abdulatifovich  
on the academic degree competition of the candidate of economic science,  
speciality 08.00.07 – “Finance, money circulation and credit” subject  
«Financial sources and problems of efficient use of bank loans»**

**Key words:** financial resources, cash flow, turnover of working capital, agricultural credit unions.

**Subjects of the inquiry:** financial resources, commercial banks, which lend money through government and bank loans, as well as beneficiaries of these loans - agricultural enterprises of Tashkent region.

**Aim of the inquiry:** development of scientific, methodic and practical recommendations in the field of classification and formation of financial resources of agricultural enterprises under the multistructural economy, the role and importance of banks in this process, determination of economic efficiency of use of financial resources on a bank and agricultural enterprise's basis, development of lending mechanism and system of financial and lending institutions.

**Methods of inquiry:** structural and functional analysis, compilation of logical schemes, composition of dynamic rows, analysis and synthesis, comparison, development of variants and schemes.

**The results achieved and their novelty:**

scientific thoughts, peculiar to economic essence and significance of financial resources of agricultural enterprises, as well as improvement of their classification taking into account types, sources and form of ownership; turnover of working capital within the framework of extended reproduction and the role of bank loans in the management of agricultural enterprises, considering peculiarities of this sector, have been scientifically proven; process of satisfaction of seasonal demand for financial resources in the agriculture taking into accounts specifics of this industry and formation of cash flows have been disclosed, proportionality between them was validated; insufficiency of financial resources and devaluation of working capital were determined, efficiency of financial resources use was evaluated, imperfection of the market of financial and credit resources and weak development of terms of collateral in the agriculture have been analysed, as well as practical recommendations on elimination of autocracy of banks the credit market; system of ratios evaluating efficient use of credit resources in agricultural production and economic activity of agricultural enterprises has been improved and substantiated; process and dynamics of lending of agricultural entities of Tashkent region by branches of joint stock commercial banks “Pakhta Bank” and “Galla Bank” have been disclosed, economic efficiency of operations of agricultural enterprises as a result of use of credit resources was determined, recommendations on improvement have been drawn; experience of industrially developed countries in the fields of financing of agriculture and lending procedures and system have



been studied and practical recommendations on implementation of advanced knowledge were given.

**Practical value:** Scientifically proven ideas and thoughts, highlighted in the dissertation might be used for deepening researches in further development of bank lending system and financial resources formation, some scientific and methodic ideas might be used in daily operations of banks and agricultural enterprises, it is expedient to use analytical data, tables and schemes in appropriate training courses.

Implementation of conclusions and suggestions, made in the course of research, into practice, will contribute in development and increase of efficiency of agricultural production, improvement of provision of agriculture with credit resources and formation of financial resources.

**Degree of embed and economic effectiveness:** Possibility of obtaining production output as a collateral against loans, necessity to assess management skills in the fields of marketing and business management along with analysis of ratios demonstrating economic standing of borrowers, as well as calculation of economic efficiency of use of borrowed funds versus the use of own funds might be utilised in the process of development of credit policy of joint stock commercial “Pakhta Bank” and “Galla Bank”.

Practical suggestions on identification of sources of financial resources of agricultural entities, determination of operating loan amount using cash flow forecast, as well as assessment of economic efficiency of use of credit resources might be used in planning and analysis of production and financial activity (development of business plan) of shirkat entities and farms of Tashkent region.

**Sphere of usage:** Agricultural production and banking sector.

Босишга рухсат этилди 17.11.03. Формат 60 x 84 1F16.  
Хажми 1,5 б.т. Адади 100 нусха. Буюртма № 194

Г.В. Плеханов номли РИА Тошкент шаҳридаги  
филиали матбаа бўлимида chop этилди.

700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон 49, 7 – бино.